

ЭРКИН САМАНДАР ШЕЪРИЯТИДА РИТОРИК СЎРОҚ: «БУ БОҒНИ ҚАЙСИ БОҒ ДЕРЛАР» АСАРИ МИСОЛИДА**Якубова Матлуба Тажибаевна***Ma'mun universiteti PhD. dots.*

+998500778113

Аннотация (O‘zbek tilida)

Ушбу мақолада Эркин Самандар шеъриятида риторик сўроқнинг бадиий ва услубий вазифаси “Бу боғни қайси боғ дерлар” асари мисолида таҳлил қилинади. Асарда риторик сўроқ орқали Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, миллий ифтихор ва маънавий қадриятлар ифодалангани очиб берилади. Шунингдек, риторик сўроқнинг шеър композициясидаги ўрни, поэтик оҳангдорликни кучайтиришидаги аҳамияти ёритилади.

Калит сўзлар: риторик сўроқ, риторик мурожаат, Эркин Самандар, поэтик услуб, Ватан тимсоли.

Аннотация (На русском языке)

В статье анализируется художественно-стилистическая функция риторического вопроса в поэзии Эркина Самандара на примере стихотворения «Бу боғни қайси боғ дерлар». Показано, что посредством риторического вопроса поэт выражает чувства любви к Родине, национальной гордости и духовных ценностей. Также рассматривается роль риторического вопроса в композиционной структуре стихотворения и его значение в усилении поэтической выразительности.

Ключевые слова: риторический вопрос, риторическое обращение, Эркин Самандар, поэтический стиль, образ Родины.

Abstract (In English)

This article examines the artistic and stylistic function of the rhetorical question in Erkin Samandar's poetry, using the poem “Bu bog‘ni qaysi bog‘ derlar” as a case study. The analysis reveals how rhetorical questions convey feelings of love for the homeland, national pride, and spiritual values. In addition, the role of rhetorical questions in the compositional structure of the poem and their contribution to poetic expressiveness are discussed.

Key words: rhetorical question, rhetorical address, Erkin Samandar, poetic style, image of the homeland.

Эркин Самандарнинг “Бу боғни қайси боғ дерлар” шеъри риторик мурожаатга асосланган энг нафис ва таъсирчан асарлардан саналади. Шоир “боғ” семасини рамзий маънода қўллар экан, унинг таг замирида Хоразм воҳаси тимсоли намоён бўлади. Бу

рамз орқали ижодкор муайян географик маконнигина эмас, балки миллий хотира, тарихий мерос ва маънавий қадриятларни ҳам ифода этади. Асарда воҳанинг бетакрор табиати — дарёлари, кўллари, чўллари, боғ-боғчалари, ҳосилга бой далалари, шунингдек, санъати ва адабиёти бирма-бир тилга олинади. Шоир бу тасвирлар орқали Хоразмнинг маданий қиёфасини яхлит ҳолда кўз олдимизга келтиради ва ўқувчини шу муҳитга руҳан яқинлаштиради. Ҳар бир банд якунида эса риторик мурожаат такрорланиб, шеърнинг таъсирчанлик даражасини янада оширади, шу билан бирга лирик қаҳрамоннинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини умумлаштирувчи бадиий хулосага айланади.

Эркин Самандарнинг “Бу боғни қайси боғ дерлар” шеъри риторик мурожаатга асосланган энг нафис ва таъсирчан асарлардан саналади. Шоир “боғ” семасини рамзий маънода кўллар экан, унинг таг замирида Хоразм воҳаси тимсоли намоён бўлади. Асарда воҳанинг бетакрор табиати — дарёлари, кўллари, чўллари, боғ-боғчалари, ҳосилга бой далалари, шунингдек, санъати ва адабиёти бирма-бир тилга олинади. Ҳар бир банд якунида эса риторик мурожаат такрорланиб, шеърнинг таъсирчанлик даражасини янада оширади.

Аёллар васфини ёзсам,
Қоғоз етмас, сиёҳ қолмас.

Парими ё ва ё одам,
Аёл зоти билиб бўлмас.
Севиб мен биттасин, ё раб,
Ақл-хушдан жудо бўлдим.
Куёшдек ҳуснини мактаб,
Назм гўё фидо бўлдим.

**Биродарлар, жавоб айланг,
Бу боғни қайси боғ дерлар.**

Аёллар васфига бағишланган мисраларда гўзалликнинг беқиёс экани, уни сўз билан тўлиқ ифодалаш мумкин эмаслиги бадиий тарзда очиб берилади. Шоир севги ва маҳлиёлик ҳолатини ёрқин образлар орқали тасвирлаб, ҳар банд сўнгида “Бу боғни қайси боғ дерлар?” деган мурожаат билан ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Шеърнинг оҳанги сокин ва мусиқий тарзда давом этиб, риторик сўроқ ҳам шу осойишталикда намоён бўлади. 12 мисрадан иборат 9 банд орқали шоирнинг Ватанга бўлган самимий меҳри, фахр ва ифтихор туйғулари юракдан жўш уради. Бу риторик сўроқларда имон-эътиқод ва миллий ғурур ҳисси таъсирли оҳангларда ифодаланган.

Шоирнинг Ожиза халфага бағишланган машҳур шеърида ҳам риторик мурожаат муҳим бадиий восита сифатида қўлланади. У орқали Ожиза халфанинг юксак

истеъдоди, нозик диди ва маънавий оламига бўлган шоирнинг чуқур хурмати ва ҳайрати ифодаланади. Шеър охиридаги риторик мурожаат мазкур муносабатни янада ойдинлаштиради.

Ҳайрон бўлиб кузатаман жим,
Гулзор ичра сени ҳар саҳар.
Нени суюб, нени куйлардинг,
Кўзинг очик бўлганда агар?

Эркин Самандар риторик мурожаатлардан фойдаланишда ўзига хос услубни танлайди: аввало, мисраларда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, руҳий ҳолати очиб берилади, кейин эса риторик сўроқ орқали умумий ғояга яқун ясалади. Ёр, кўнгил, шаббода образлари орқали ишқ ва ҳижрон ҳолати ифодаланиб, такрор сўзлар ёрдамида оҳанг кучайтирилади. Айниқса, “шаббода” сўзининг турли грамматик шаклларда қўлланилиши поэтик таъсирни янада оширади.

Умуман олганда, риторик мурожаатлар шеърда турли объектларга йўналтирилиб, лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмаларини ўқувчи билан баҳам кўришга хизмат қилади. Бу жараёнда асосий поэтик мақсад муайян оҳангдорлик орқали рўёбга чиқади. Риторик мурожаатнинг услубий аҳамияти ҳам айнан шу жиҳатда намоён бўлади.

Риторик мурожаат билан бир қаторда риторик хитоб шакли ҳам шоир ижодида кенг учрайди. Бу икки восита ўзаро яқин бўлиб, инсон руҳиятидаги ички ҳолатларнинг акс-садосидир. Риторик хитоб орқали шоир ҳис-туйғуларни янада кучли, таъсирчан ва шиддатли тарзда ифода этади. Агар риторик мурожаатларда сокинлик ва мулоҳаза устун бўлса, риторик хитобларда ҳиссиёт авжи юқори нуқтага кўтарилади.

Эй дарё, сен шиддат билан оқ,
Эй тўлқин, сен сапчи осмонга.
Руҳим менинг мавжларга чанқоқ,
Қалбим менинг ташна туғёнга.

Дарё, тўлқин, тоғ ва қояларга қаратилган хитоблар лирик қаҳрамоннинг ички туғёнини, руҳий чанқоқлигини ифода этади. “Панжа ур”, “дадил юр” каби чақириқлар шеърдаги ҳаракат ва шиддат оҳанглари кучайтиради. Айрим ҳолларда эса риторик хитоблар драматик вазият таъсирида ғазаб ва қаршилик руҳигача кўтарилади.

“Риторик” атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, нотиклик, гўзал нутқ маъноларини англатади. Шу маънода риторик сўроқ, мурожаат ва хитобларда ҳам баландпарвоз, таъсирчан оҳанглар устуворлик қилади. Натижада шеърда полифоник ифода кучайиб, турли оҳанглар орқали бадийликнинг яна бир қирраси тўлдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Эркин Самандар ижодида риторик мурожаат, риторик сўроқ ва риторик хитоблар муҳим услубий восита сифатида намоён бўлади. Ушбу бадий

шакллар орқали шоир лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, рухий ҳолати ва ҳис-туйғуларини таъсирчан ҳамда мусикий оҳангларда ифодалайди. Айниқса, “Бу боғни қайси боғ дерлар” шеърида риторик мурожаатлар Ватан, миллий қадриятлар ва маънавий ифтихор ғояларини умумлаштирувчи бадиий марказ вазифасини бажаради.

Риторик мурожаат ва хитоблар орқали поэтик нутқнинг оҳангдорлиги, шиддати ва эмоционал таъсири кучайиб, шеърда полифоник ифода юзага келади. Бу эса асарнинг бадиий қийматини ошириб, ўқувчини лирик қаҳрамон қалб оламига яқинлаштиради. Демак, риторик мурожаатлар Эркин Самандар шеъриятида нафақат ифода воситаси, балки ғоявий-бадиий мақсадни рўёбга чиқарувчи муҳим услубий омил сифатида аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма) –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. –Б. 43.
- 2.Эркин Самандар. Бу боғни қайси боғ дерлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. –Б. 24.
- 3.Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 149.
- 4.Абдуллаев А. Риторик сўроқ гаплар эмоционал – экспрессив фикр ифодалаш воситаси сифатида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. –№4. –Б. 47-52.
- 5.Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Т.: “O`zbekiston”, 2019. –256 б.
- 6.Эркин Самандар. Аму жилолари. Шеърлар. –Тошкент, 1966. –64 б.